

**2020-2021 ўқув йилида Тошкент давлат транспорт университетининг бакалавриат барча таълим йўналишлари битирувчи талабалари учун Давлат аттестацияси ўтказиш тартиби:**

2. “Миллий ғоя. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан Давлат аттестациясини ўтказиш тартиби.
3. “Чет тили” (инглиз тили, немис тили, француз тили) фанидан ўтказиладиган Давлат аттестациясини ўтказиш тартиби. (темир йўл таълим йўналишлари учун);

**“Миллий ғоя. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан Давлат аттестациясини ўтказиш тартиби.**

2020-2021 ўқув йилида Тошкент давлат транспорт университетининг бакалавриат босқичи барча таълим йўналишлари битирувчи талабалари учун “Миллий ғоя. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан Давлат аттестацияси ўтказишда уларнинг билимларини баҳолаш

**Мезони**

2020-2021 ўқув йилида бакалавриат босқичи барча таълим йўналишлари битирувчилари учун “Миллий ғоя. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан Давлат аттестацияси ўтказиш режалаштирилган.

Амалдаги тартиб-қоидаларга асосан Давлат аттестацияси ёзма равишда ўтказилади.

Битирувчиларнинг билим даражаларини баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

Имтиҳон варақаларининг сони 30 данадан иборат.

Ҳар бир имтиҳон варақасига 3 тадан савол киритилган.

Учта савол учун максимал 100 балл белгиланган ва у 100% ни ташкил этади.

Учта савол  $33\%+33\%+34\% = 100\%$  кўринишида қабул қилинган бўлиб, фоизлар тегишли равишда баллар миқдорига мосдир.

Учала саволга берилган жавоб учун баҳолаш мезони қуйидагича:

**Балл Талабанинг билим даражаси**

- “Миллий ғоя. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан назарий ҳамда амалий тушунча ва тасаввурга эга эканлигини баён қила олиши;

**86-100**

- ижтимоий жараёнлар хусусида ижодий фикрлай олиши;

- воқеа-жараёнларга нисбатан манбаларга таянган ҳолда мустақил таҳлилий ёндошиши;

- билим-кўникмаларини ифодалай олиши;
  - хулосада ўз позициясини баён эта олиши, ёндошувини изоҳлай олиши.
  - Эркин мушоҳада юрита олиши ва шу аснода фикрларини баён этиб бериши;
- 71-85**
- саволнинг моҳиятини тушунган ҳолда тушунчаларнинг тизимли кетма-кетлигини яратиши;
  - билим-кўникмаларини ифодалай олиши (ёзма нутқ кўникмаси);
  - хулосада фикрларини яқунлай олиши.
- 55-70**
- Қўйилган саволнинг моҳиятини тушуниши;
  - савол бўйича ўз кўникмаларини имкон қадар ифодалай олиши;
  - фан бўйича умумий тасаввурга эга бўлиши.
  - Фан бўйича аниқ тасаввурга ва билимга эга бўлмаслиги;
- 0-54**
- фикрлаш имконияти ва дунёқарашининг торлиги;
  - билим ва кўникмаларининг етишмаслиги;
  - ўз билимини мустақил равишда баён эта олмаслиги.

**Эслатма:** Ёзма ишни текширувчи профессор-ўқитувчи жавобларни баҳолашда ҳар бир саволнинг жавобига тақриз илова қилади.

Давлат Аттестация комиссияси ва бакалаврият босқичи битирувчилари ўртасида баҳолаш баллари бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммолар кафедра қошида ташкил қилинадиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади ҳамда ДАК раиси билан келишилган ҳолда хулоса қилинади.